



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ  
АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КЕНГАШ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

**ҚАРОР - РЕШЕНИЕ**

Андижон шаҳри

2018 йил 10 март

№120/29-5

**Андижон вилоятида Хуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳамда қонун ҳужжатларини тарқатиш, ижрочиларга етказиш ва унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтиришнинг аҳволи бўйича вилоят адлия бошқармаси бошлиғи А.М.Очиловнинг ахбороти ҳақида**

Мустақиллик йилларида жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли тизим яратилди.

Бу йўналишда самарадорликни янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Унга кўра Адлия органлари билан давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида қонун ҳужжатларини тезкор тарқатиш мақсадида ҳимояланган алоқа каналлари (VPN) орқали идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ташкил этилди. **Биринчи босқичда “Е-хат” электрон почта тизими орқали жорий йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар қабул қилинган 1 971 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон шаклда 97 та давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, вилоят, шаҳар ҳамда туман ҳокимликларининг 18 та ҳамда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят ва туман шаҳар бўлинмаларининг 18 та “Е-хат” ҳимояланган электрон почта манзилларига юборилди.**

Бундан ташқари, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича вилоятдаги **97 та** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **165 мингта** тарғибот тадбирлари ўтказилиб, **2 млн. нафарга яқин** аҳоли қамраб олинди.

Биргина адлия органлари томонидан жами **4 412 та** ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бирок, фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш, асосан, оммавий ахборот воситалари орқали қоғоз кўринишида, семинар, давра суҳбати шаклида амалга оширилаётганлиги, бу эса ҳуқуқий ахборотнинг тўлиқлиги ва эркин фойдаланилишига, унинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатаётгани, бунда аҳолининг ижтимоий фаол қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинмаётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси — “LexUZ”нинг яратилгани, унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жойлаштирилаётганлиги, энг асосийси расмий манбалар қаторига киритилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди.

Ҳозирда ўзбек ва рус тилларидаги **42 мингдан ортиқ** ҳужжат хусусан, Андижон вилоят ва туман шаҳар ҳокимликларининг **37 та** норматив тусдаги қарорлари ҳам жамланган ушбу базадан рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони **59 мингтани** ташкил этса, бир кунда **13 минг нафардан ортиқ** жисмоний ва юридик шахслар бепул фойдаланмоқда.

Энди биз қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга ва аҳолига ўз вақтида етказиш мақсадида ҳужжат қабул қилинган куниёқ **босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида** ҳам эълон қилмоқдамиз, **Gazeta.uz** ва **Kun.uz** сайтларига мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

Адлия бошқармасининг Facebook.com ижтимоий тармоғида ўз саҳифаси очилган бўлиб, расмий веб-сайт билан биргаликда доимий равишда янгиланиб, долзарб маълумотлар қўйилмоқда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси **Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.Uz) веб-саҳифасининг ҳам ушбу (Facebook.com) ижтимоий тармоғида саҳифаси очилган.**

Ҳозирда аҳоли ўртасида кенг тарқалган “Telegram” мессенджерда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (Lex.Uz) жойлаштирилган янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни автомат равишда етказиш бўйича махсус канал ҳам ишга туширилди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказилиши ҳамда мазмуни ва аҳамиятини аҳолига тушунтирилишини ташкил этиш ҳамда жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини амалга ошириш, бу борада мавжуд тадбир ва дастурларни **4 та сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари** билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича меморандум имзоланди.

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва бу соҳадаги ишларни **Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Андижон вилоят Кенгаши билан** ҳамкорликда амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Мактаб, лицей ва коллежларда ҳуқуқий ахборотни викториналар шаклида тарқатиш мақсадида эса Андижон Давлат Университети, Андижон машинасозлик, Қишлоқ хўжалик, Давлат тиббиёт институтларининг **49 нафар** талабаларидан иборат таркибда махсус кўнгиллилар (волонтер) гуруҳи шакллантирилиб, викториналар ташкил этилмоқда.

**876 та** маҳалла фуқаролар йиғинларида жума кунлари **“Маънавият соатлари”** ва **“Ҳуқуқий билимлар”** ўқув машғулотини ўтказиш жорий этилиб, календарь ва мавзулар режаси тасдиқланди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ҳамда ижрочиларга етказиш бўйича оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг муҳокама қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш юзасидан **2017-2018 йилларга мўлжалланган комплекс чоратадбирлар дастури тасдиқланиб**, кўрсатувлар эфирга бериб борилмоқда.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2017 йил давомида фуқаролар мурожаатларининг **253 таси** қаноатлантирилган, **597 тасига** ҳуқуқий тушунтириш берилиб, **419 та** тадбиркорлик субъектининг ва **354 та** фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. **159 108 та** 22 турдаги шартномаларни тузилиши ва бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган.

“Ягона дарча” марказлари томонидан **16 346 та** тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан (**399 таси** сайёр тартибида) ва **3 774 таси** қайта рўйхатдан ўтказилди. Шунингдек тадбиркорларга **6 762 та 16 турдаги** давлат хизматлари кўрсатилган.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига кенг тарғибот юритишни таъминлаш ҳамда бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши

## **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи А.Очиловнинг “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳамда қонун ҳужжатларини тарқатиш, ижрочиларга етказиш ва унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтиришнинг Андижон вилоятидаги аҳволи бўйича ахбороти” маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари, вилоят Адлия бошқармаси, халқ депутатлари шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари раислари-ҳокимлари ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда:

иш юритиш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритиш;

қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиши, ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

Адлия вазирлиги, бошқармаси ёхуд ўзларининг юқори турувчи идораларидан келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимдаги барча идораларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам) етказиши; шунингдек:

соҳага оидларини расмий веб сайтларига жойлаштириш;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларига тушунтиришга қаратилган марказий ва ҳудудий матбуот анжуманларини ўтказиш;

ҳар ҳафтада “Ҳуқуқий билимлар” ўқув машғулотларини жорий этиб, малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда ходимлар ўртасида ўқиб ўрганилишини ташкил этиш;

қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашлари депутатлари, ҳуқуқшунослар, ҳар бир соҳанинг етакчи мутахассислари, олимлар орқали шарҳлаб беришни йўлга қўйиш;

аҳоли ўртасида қонунларни моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этиш бўйича ҳудудий тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва тадбирларни юқори савияда ўтказиш;

қонунларни аҳолига моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали етказиш, бунда мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, баҳслар ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг муҳокама қилишнинг бошқа замонавий шакллари назарда тутувчи медиа-режа ишлаб чиқиши ва адлия бошқармаси билан келишиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси “Lex.uz”га ҳамда Телеграм ижтимоий тармоғидаги “Ҳуқуқий ахборот” каналига уланиш;

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”га обуна бўлиш масаласини ҳаражатлар сметасига киритишлари;

белгиланган тартибга асосан қонун ҳужжатларининг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш вазифасини давлат органининг юридик хизмат ходимига, у бўлмаганда бошқа шахсга юклаш, ушбу шахслар ўзгарган тақдирда 3 (уч) кунда улар ҳақидаги маълумотларни Адлия бошқармасига юбориш;

маҳаллий ҳокимликлар томонидан вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш юзасидан ҳамкорликда иш юритишни самарали йўлга қўйиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинишига чек қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида қарама-қаршилик ва турли зиддиятларни келтириб чиқаришини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

Вилоятдаги 454 та мактабгача таълим, 739 та мактаб, 8 та академик лицей, 119 та коллеж, 4 та олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия олаётган 578 716 нафар ўқувчи ва талабаларнинг маънавий маърифий, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасига масъул 16 406 нафар педагог ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар томонидан ўқув жараёнида фойдаланаётган ўқув мажмуаларини танқидий кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузиш ва мақсадли ўрганишни ташкил этиш;

Фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кенг жамоатчилик, хусусан, вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашлари депутатлари ҳам фаол иштирок этишларини таъминлаш;

Бунда, ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутатининг:

сайловчилар билан, ўзлари қайси сиёсий партиядан сайланган бўлсалар, шу партия вакиллари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб туришлари;

тегишли сайлов округи ҳудудида жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, фуқаролар билан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари билан мунтазам учрашувлар ўтказишлари;

депутатнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиб туриши ҳамда мақолалар бериб бориши;

тушунтириш ишига давлат органларининг вакилларини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, адлия органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларини жалб этишлари;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини ўтказиш яқунларини, ўзи аъзо бўлган доимий комиссия томонидан амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш ва бошқа ташкилий тадбирларга алоҳида эътибор қаратишлари ва уни амалга оширишларини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси М.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Андижон  
вилоят Кенгашининг раиси

 Ш.Абдурахманов